# III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 4677,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 104,5 фоизни, шу жумладан, ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 2714,8 млрд. сўмни (101,9 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 1884,7 млрд. сўмни (109,0 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган ҳизматлар ҳажми 56,5 млрд. сўмни (104,5 фоиз), баликчилик хўжаликларида 13,8 млрд. сўмни (102,2 фоиз), овчилик хўжалигида 0,2 млрд. сўмни (125,0 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 7,1 млрд. сўмни (103,5 фоиз) ташкил қилди.

**2018 йилнинг январь-сентябрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми**




Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 72,5 фоиз).

**2018 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**

*(фоиз ҳисобида)*




- Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Фермер хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

| | 2017 й | 2018 й |
|---|---|---|
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 74.2 | 72.5 |
| Фермер хўжаликлари | 24.0 | 24.8 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1.8 | 2.7 |

**Деҳқончилик**. 2018 йилнинг январь-сентябрда ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 2714,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 101,9 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 59,0 фозни ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилда барча тоифадаги хўжаликлар 252939 гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланиб, шундан жами дон 119178 гектарни, шу жумладан бошоқли дон 114069 гектарни, шундан буғдой 113308 гектарни, маккажўхори дон учун 3508 гектарни, шоли 536 гектарни, дуккакли дон экинлари 1064 гектарни, техник экинлар жами 86862 гектарни, шу жумладан ғўза майдони 85881 гектар, мойли экинлар 487 гектар, картошка

10523 гектарни, сабзавотлар жами 22668 гектарни, полиз 2077 гектарни, озуқа экинлари 11631 гектарни, бундан ташқари мевалар ва резаворлар майдони 46675 гектарни ҳамда токзорлар 6413 гектарни ташкил этди.

**Ҳосилни йиғиб олиш.** Барча тоифадаги хўжаликларда 2018 йилнинг 1 июль ҳолатига дон жами 540855 тонна (94,2 фоиз), шу жумладан бошоқли дон 471031 тонна (86,2 фоиз), шундан буғдой 469701 тонна (86,3 фоиз), картошка 217993 тонна (89,3 фоиз), сабзавот 835770 тонна (110,0 фоиз), полиз 62749 тонна (98,0 фоиз), мева 294551 тонна (91,0 фоиз), узум 105964 тонна (107,8 фоиз) етиштирилди.

**2018 йилнинг январь-сентябрда хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

| | *Фермер хўжаликлари* | | *Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари* | | *Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *минг тонна* | *ўсиш суръати, фоизда* | *минг тонна* | *ўсиш суръати, фоизда* | *минг тонна* | *ўсиш суръати, фоизда* |
| **Дон, жами** | 451,6 | 94,3 | 81,7 | 95,0 | 7,5 | 80,8 |
| шу жумладан: бошоқли дон | 416,8 | 88,2 | 47,4 | 73,1 | 6,8 | 79,1 |
| шундан: буғдой | 415,5 | 88,3 | 47,4 | 73,1 | 6,7 | 79,2 |
| Картошка | 9,4 | 19,7 | 207,2 | 109,9 | 1,4 | 18,1 |
| Сабзавотлар | 99,5 | 100,0 | 734,6 | 111,4 | 1,7 | 122,5 |
| Полиз | 27,6 | 85,2 | 34,5 | 109,5 | 0,6 | 451,7 |
| Мевалар ва резаворлар | 129,3 | 75,7 | 159,7 | 109,2 | 5,5 | 86,6 |
| Узум | 9,3 | 74,3 | 94,4 | 112,3 | 2,2 | 131,0 |

## 2018 йилнинг январь-сентябрда худудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

**Дон, жами** *(тонна)*




**бошоқли дон** *(тонна)*




**шундан:буғдой** ***(тонна)***




**маккажўхори дони** ***(тонна)***



**дуккакли дон, жами *(тонна)***




***Картошка (тонна)***




**Сабзавотлар, жами *(тонна)***




***Полиз (тонна)***



**Мевалар, жами *(тонна)***




***Узум (тонна)***




**Чорвачилик.** Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2018 йилнинг январь-сентябрда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1884,7 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 109,0 фоизни (2017 йилнинг январь-сентябрда 105,7 фоизни) ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 41,0 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 997,8 минг бош (1,0 фоизга кам), шу жумладан сигирлар 343,0 минг бош (5,0 фоизга кам), қўй ва эчкилар 828,7 минг бош (0,7 фоизга кам), отлар 8,9 бошга (0,4 фоизга), паррандалар 6 482,2 минг бошга (13,0 фоизга) кўпайди.

**2018 йил 1 сентябрь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар**

| | ***Фермер хўжаликлари*** | | ***Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*** | | ***Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*** | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *минг бош* | *ўсиш суръати, фоизда* | *минг бош* | *ўсиш суръати, фоизда* | *минг бош* | *ўсиш суръати, фоизда* |
| Йирик шохли қорамоллар | 48,3 | 110,5 | 937,2 | 98,2 | 12,3 | 121,8 |
| *шу жумладан:* сигирлар | 15,4 | 97,5 | 324,8 | 94,9 | 2,8 | 93,3 |
| Қўйлар ва эчкилар | 40,5 | 93,5 | 783,6 | 99,7 | 4,6 | 85,2 |
| Отлар | 1,1 | 100,5 | 7, 6 | 99,9 | 0,1 | 140,2 |
| Паррандалар | 592,8 | 106,7 | 4 217,9 | 107,5 | 1 671,4 | 133,1 |

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,9 фоизни, фермер хўжаликларида 4,8 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда -94,7 ва 4,5 фоизни, қўйлар ва эчкилар – 94,6 ва 4,9 фоизни, отлар – 85,8 ва 12,6 фоизни, паррандалар – 65,1 ва 9,1 фоизни ташкил қилди.

## 2018 йил 1 июль холатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар

### Йирик шохли қорамоллар*(минг бош)*




### *шу жумладан:* сигирлар*(минг бош)*




### Қўйлар ва эчкилар *(минг бош)*




### Паррандалар *(минг бош)*



**Отлар** *(бош)*




2018 йилнинг январь-сентябрда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 117,3 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 9,1 фоизга кўп), 699,4 минг тонна сут (7,9 фоиз), 377,3 млн. дона тухум (16,1 фоиз), 1005 тонна жун (2,6 фоиз)ишлаб чиқарилди.

Бундан ташқари пиллачиликни ривожлантириш, кластер усулига ўтиш сабабли ижобий ишлар амалга оширилиши натижасида вилоятда 1656,1 тонна миқдорида (2017 йилнинг шу даврига нисбатан 192,8 фоизни) 24,3 млрд. сўмлик пилла хом-ашёси етиштирилди.

## 2018 йилнинг январь-сентябрда хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

| | *Фермер хўжаликлари* | | *Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари* | | *Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *миқдори* | *ўсиш суръати, фоизда* | *миқдори* | *ўсиш суръати, фоизда* | *миқдори* | *ўсиш суръати, фоизда* |
| Гўшт, тирик вазнда, *минг тонна* | 3,0 | 81,8 | 104,5 | 104,4 | 9,8 | 259,7 |
| Сут, *минг тонна* | 22,6 | 132,0 | 671,6 | 107,2 | 5,2 | 107,8 |
| Тухум, *млн. дона* | 41,2 | 146,9 | 276,7 | 108,2 | 59,4 | 143,9 |
| Жун, *тонна* | 43,0 | 79,6 | 958,0 | 104,0 | 4,0 | 80,0 |
| Пилла хом-ашёси, *тонна* | 1 453,4 | 179,4 | - | - | 202,6 | 417.7 |
| Асал, *тонна* | 8,2 | 5,9 | 1383,0 | 131,3 | 21,4 | 95,5 |
| Овланган балиқ, *тонна* | 2791,0 | 100,1 | 207,0 | 101,0 | 531,0 | 104,6 |

## 2018 йилнинг январь-июнида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

**Гўшт** *(минг тонна)*




**Сут** *(минг тонна)*



**Тухум** *(млн. дона)*




**Жун** *(тонна)*




**Балиқ** *(тонна)*




**Пилла** *(тонна)*

